O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 31 MAY ◆ PAYSHANBA ◆ № 62 (26.764)

ЁШЛАР УЧУН МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ

Тошкент давлат техника университетида республикамизнинг барча таълим муассасаларида «Мустақиллик дарслари»ни ўтказишни ташкил этишга бағишланган семинар бўлди. Семинарни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этди. Семинарда Ўзбекистон таълим тизими раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректорлари, қатор лицей ва коллежлар директорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев семинарни очар экан, миллий истиқлол ғояси ёшларимиз дунёқарашининг асосига айланиши зарурлигини таъкидлади. Ҳозирги талабалар, лицей, коллеж ва мактаблар ўқувчилари яқин келажакда амалга ошириладиган катта ишлар бўсағасида турибди. Шунинг учун улар бундан ўн йил аввал, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошира бошланган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини аниқ ва теран англамоғи даркор. Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларига қарамасдан танлаган йўлимиз тўғрилигини, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган янги давлат қурилиши «ўзбек модели»нинг истиқболи порлоқ эканини вақт ўзи исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қайд этганидек, янги ўқув йилидан ўқув дастурларига киритилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курсининг бир қисми бўлмиш «Мустақиллик дарслари»ни ўқитиш услубиятини тез фурсатда ишлаб чиқиш зарур.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов ўсиб келаётган авлодни, айниқса, ўқувчи ёшларни истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш бугунги кунда жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади. Ҳозирда нафақат пойтахтда, балки юртимизнинг барча шаҳарларида мавжуд кўплаб музейлар, маданий-тарихий мажмуалар бундай тарбиянинг марказларига айланди. «Мустақиллик дарслари» ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талаба асрлар давомидаги курашларда қўлга киритилган мустақиллик халқимизга нима берганини аниқ ҳис этиши ва англашига ёрдам беради.

Семинарда айтиб ўтилганидек, бу дарснинг ўқув дастурларига киритилиши ёшлар орасида мафкуравий бўшлиқни бартараф қилиш, йигит ва қизларни жамиятимиз олдида турган вазифаларни амалга оширишга йўналтириш имконини беради. Шу боис бундай дарслар бутун ўқув йили давомида ўтказилади. Шунингдек, тез орада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Асрларга татигулик йиллар» мавзуси остида бирлаштирилган туркум плакатлар, альбом ва китобчалар чоп этиш ниятида. Бу материаллар асосида махсус ҳужжатли фильм суратга олинади. Буларнинг ҳаммаси республикамизнинг олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим муассасалари ва мактабларида «Мустақиллик дарслари»ни ўтказишда муҳим ўқув манбасига айланади.

■ **(ЎзА)**

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КАРВОНИ

Наманган вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистонга биродарлик ёрдами уюштирилди. Вилоят меҳнаткашлари, меҳнат жамоалари ташаббусни астойдил қўллаб-қувватладилар. Қисқа вақтда қорақалпоқ халқи учун 120 тонна зарур кундалик эҳтиёж моллари тўпланди. Ун, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, консервалар, болалар пойабзали, мева-сабзавот, минерал ва ичимлик сувлари юкланган 13 та оғир юк машиналари кеча субҳидам Нукусга жўнаб кетди.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Тўлқин Жабборов ва унинг ўринбосарлари савобли йўлга отланганларга оқ йўл тилаб, Оллоҳдан қардош қорақалпоқ диёрига ҳам тўкинлик ва барака сўрадилар.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФОРИШДА КЎЧМА КУТУБХОНА

Фориш тумани марказий кутубхонаси ходимлари кутубхоналарни замон талабидаги янги адабиётлар билан бойитиш, китобхонлар сафини кенгайтириш мақсадида кўчма кутубхона ташкил этди. Транспорт воситаси, янги китоблар, матбуот нашрлари билан таъминланган кўчма қироатхона белгиланган жадвал бўйича туманнинг чекка қишлоқлари, фермалар, чўпонлар ҳузурида бўлиб маданий хизмат кўрсатмоқда. Китобхонлар сони эса 2700 нафардан ошиб кетди.

Вилоят марказлашган кутубхонаси маъмурияти форишликларнинг бу ташаббусини оммалаштириш тадбирларини кўраётир.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

КИНОИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари миллий кинематографияларининг бешинчи форуми очилди. Унда ўзбек киноижодкорларидан иборат делегация ҳам иштирок этмоқда.

Марказий кинематографлар уйида конфедерация раиси Рустам Ибрагимбеков ушбу анжуманни очар экан, «мустақиллик мустаҳкамлана боргани сари киноижодкорлар бир-бирларининг муваффақиятларини юқори баҳолаб боришаётганини» қайд этди.

Россия Федерацияси маданият вазири Михаил Швыдкой МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кинематографларининг бундай ижодий мулоқотини давом эттириш жуда зарурлигини таъкидлади.

Анжуман дастури доирасида кейинги икки йил ичида суратга олинган салкам 80 та ҳужжатли ва бошқа жанрлардаги фильмлар намойиш этилади. Улар орасида ўзбек киноижодкорлари яратган бир неча асарлар ҳам бор.

Маълумки, ўтган йили Москва халқаро кинофестивалида кинорежиссёр Юсуф Розиқов «Аёллар салтанати» номли картинаси билан иштирок этган эди. 1999 йил унинг «Воиз» фильми эса «Киношок» халқаро фестивалида гран-при мукофотига сазовор бўлди. Ҳар иккала асар ҳали-ҳануз турли мамлакатлар кинофестиваль дастурлари доирасида намойиш этилмоқда. Бу фильмлар Австрия, Швейцария ва бошқа қатор мамлакатлар прокатлари томонидан сотиб олинган.

■ **О. ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА Москва.**

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА БИЛИНГ...

■ **Владимир ПАНОВ олган сурат**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ШВЕЙЦАР ҚИЗИ — «ТАНОВАР» ОШУФТАСИ

Суҳбатдош ҳақида: Швейцариялик Катя Хиллебранд. 1994 — 1997 йилларда Тошкент хореография билим юртида таҳсил олган. Ўзбек тилида равон сўзлашишни, миллий рақсда хиром этишни ўзлаштирган. «Ўзбекистон менинг иккинчи юртим», дейишни хуш кўради.

— Яна Ўзбекистонга қайтибсиз, бу юрт соғинчими ёки санъатимизга ошуфталикми?

— Ростини айтсам, бир қанча Осиё давлатларида, хусусан, Ҳиндистон, Непал, Эрон ва бошқа мамлакатларда бўлганман. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг кўп жиҳатлари менга ёқишини эътироф этишим керак. Ўзбеклар бағри кенг. Инсонийликка хос урф-одатлари, қадимий анъаналаридан ҳайратланаман. Бунинг устига ўзим ошуфта бўлган санъат бўйича таҳсилни шу юртда олдим.

— Сиз камол топган оилада санъатга қизиқиш бўлганми?

— Ҳа, маълум маънода. Отам санъат ва адабиётни эъзозларди. У маълум вақт Ҳиндистонда яшаган, Шарқ ўлкалари ҳақида таассуротга эга. Шу боисдан ўзбек миллий санъатига қизиқишимдан мамнун.

— Швейцарияда ёшларга эътибор, уларнинг ҳаётга, билимга интилишлари ўзига хос бўлса керак?

— Бизда ҳам таълим тизимида ислоҳотлар йўлга қўйилган. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан илм соҳасидаги ўзаро фикрлашувлар мамлакат равнақига ижобий таъсир этса фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундан ёш авлод баҳраманд бўлади. Бунга ўхшаш ҳайрли саъй-ҳаракатларни эркинлик шарофати деб билиш жоиз. Мени ҳам олис мамлакатдан бу ерга келиб таълим олаётганим шундан нишона. Кузатишимча Ўзбекистонда ёшлар камоли ҳақида катта ишлар қилинмоқда ва бу албатта ўз мевасини беради.

— Швейцариянинг обҳавоси ва табиати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мен Чимёнда бўлиб беихтиёр Швейцарияни тасаввур этдим. Мен яшаётган юртнинг жануби эса Термизни эслатади. Фақат бизда иқлим бироз салқин ва намхушроқ.

— Юртдошларингиз Ўзбекистон номини қачондан тилга ола бошлашган деса бўлади?

— Агар янглишмасам 7-8 йил бўлди-ёв. Шу ўринда бир нарсани айтиш ўринли. Онамнинг отаси Хансланг ёзувчи бўлган. Ўтган асрнинг 60-йиллари буюк Амир Темур ҳақида «Темур» китобини ёзган. Туғишганларимнинг айтишига қараганда, китоб қўлёзмаси ҳамон сақланар экан. Китобда илгари сурилган ғояда эса Амир Темур ҳақиқатан ҳам буюк давлатга асос солган саркарда экани ўз ифодасини топган.

— Сиз рақс санъатидан ташқари раси чизишга ҳам қизиқарксиз...

— Ўз тасаввуринг ва фикр хаёлингни оқ қоғозда ифода этиш шундай санъатки, кишига маънавий ва руҳий қувват бағишлайди. Табиий нарсаларга қараб чизиш эса фикрни тиниқлаштиради.

— Санъат, адабиётнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?

— Сўзсиз, бу кенг қамровли тушунча. Бу ҳақда кўп ва хўп гапириш мумкин. Бу соҳани тўлиқ ўзлаштирган инсон бўлмаса керак. Боиси, уни ўрганганинг сари янги қирралари жилваланаверади. Айниқса, Шарқ санъати бу борада ўзига хос тимсол. Тўғриси, мен Шарқ адабиётини инсоният кимёси деб баҳолаган бўлардим. Чунки бундай адабиёт инсонни тарбиялайди, даволайди, камолга етказади. Шунинг учун бўлса керак Навоий, Бобур, Машраб, Ибн Сино каби фозилу уламоларнинг асарлари ўз фалсафаси билан миллионларни мафтун этмоқда. Санъат эса худди бир ибодатга ўхшаш нарса, уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Ўйлайманки, саҳнага чиқишда эзгу ният билан қадам қўймоқ лозим. Айтишадики, Фаробий чалган мусиқаларга инсонлар рақс тушиб, ҳатто дардлардан фориғ бўлган эканлар.

— Режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Шарқ рақс санъати, хусусан, ўзбек рақс сирларини мукаммал ўзлаштириш, кейинчалик шу соҳада илмий тадқиқот олиб бориш ниятидаман. Кўнглимда эса серқуёш Ўзбекистон осмонида ғубор бўлмасин деган ният мужассам.

■ **Суҳбатдош: Сулаймон ҲАЙДАР**

BU DUNYONING ISHLARI

МОСКВАДАН СЎНГ ДАНИЯДА

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат амалий ташриф билан Дания пойтахтига келди. Унинг мақсади Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш борасида европаликларнинг кўмагига эришишдир. Бундан аввал Фаластин раҳбари Москвада ҳам худди шу мақсадда музокара ўтказган эди.

«ГАЗПРОМ» НАЗОРАТ ОСТИДА

Москва шаҳар Симонов муниципиалларо суди «Газпром»га Рем Вяхирев ва бошқа бешта таниқли газчилар номзодларини директорлар кенгашига ўтказиладиган сайловлар учун овоз бериш бюллетенига киритишни таъқиқлади. «Ведомости» газетасининг маълум қилишича, кенгашлаги барча ўринларни давлат вакиллари эгаллашлари мумкин.

ПАРЛАМЕНТДА МУҲОКАМА, КЎЧАЛАРДА ЖАНГ...

Чоршанба куни Индонезия парламенти мамлакат президенти Абдурраҳмон Воҳидга импичментни қўллаб-қувватлаши кутилмоқда. Мазкур масала юзасидан овоз бериш фақат кечқурун ўтказилса-да, овозларнинг кўпчилик қисмини ташкил этувчи икки партия ана шу қарорни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Агар парламент томонидан импичмент қабул қилинса, Индонезия халқ ассамблеяси президент истеъфоси масаласини шу йилнинг августида кўриб чиқади. Воҳиднинг тарафдорлари оппозициядаги партияларнинг бўлимларига ҳужумлар уюштириб, талофатлар келтирган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, салкам 10 минг киши пойтахт кўчаларига чиқиб, президентни қўллаб-қувватлаган. Ғалаёнлар рўй бераётган жойларга қўшинлар юборилган.

МУКОФОТ — 100 МИНГ МАРКА

Дюссельдорф шаҳри яқинида гранатометлар билан қуролланган 3 нафар ниқобли жиноятчи инкасатор автомобилига ҳужум қилиб, 880 минг АҚШ долларини ўғирлаб кетишди. Талончилик кечаси содир этилган. Пул олиб кетаётган машинани жиноятчилар учта машинада келиб, ўраб олишади ва қисқа отишувлардан сўнг пул билан ғойиб бўлишган, деб хабар қилади Дюссельдорф полицияси.

Суғурта компанияси жиноятчилар ҳақида хабар қилганларнинг 100 минг марка мукофот билан тақдирланишини эълон қилди.

ТАНЛОВ

ЧЕКМАНГ — УМР УЗАЯДИ!

Жаҳон бўйича ҳар 8 дақиқада бир киши чекишдан келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмар экан. Бир кунда эса қарийб 11 минг инсон бу ёруғ дунё билан видолашмоқда. Бу даҳшатли рақамлар ҳар қандай одамнинг этини жунжиктиради, ўйга толдиради. Шу боисдан ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шундай бонг урмоқда: «Агар зудлик билан кескин чоралар кўрилмаса, келаётган уч ўн йилликда ҳар йили 10 миллион кишининг ҳаёт шами ўчади, шулардан 7 миллиони ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади».

Тамакининг бундай аянчли оқибатларга олиб келишига қарамай, чекувчилар сони йил сайин ортиб бораяпти. Бу ярамас иллат домига тушганлар эса унга ўз соғлиғи ва умри ҳисобидан товон тўлашмоқда.

Куни кеча «Ташкентская правда» газетаси таҳририятида «Тамаки устидан назоратни яхшилаш». ОАВ (Ўзбекистон) учун мукофотлар» деб номланган лойиҳа тақдимоти бўлиб ўтди. Унда лойиҳа ташкилотчиси ва ҳомийлари журналистларга ҳаракатнинг мақсади, дастури, уни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида сўзлаб бердилар. Бу жаҳоншумул муаммога журналистларнинг фаол аралашуви лозимлиги таъкидланди. Чунки чекишга қарши кампанияни авж олдириш, кенг жамоатчилик фикрини уйғотиш учун энг аввало тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш даркор. Бусиз ҳар қандай ташаббус, ҳаракат жонсизлигича қолаверади.

Чекишга қарши ҳаракат ташкилотчилари ва ҳомийлари оммавий ахборот воситаларида таъсирчан ва мазмунли мақолалар эълон қилган журналистларни рағбатлантириш учун бир қанча қимматли мукофотлар таъсис этишган. Жумладан, танлов ғолибларига шахсий компьютерлар ва уларни «Интернет» тармоғига бепул улаш ҳуқуқи берилади.

Ўйлаймизки, ҳамкасбларимиз бу ҳаракатга фаол қўшилиб, тамаки тутуни домига илиниб қолган замондошларимизнинг ярамас иллатдан қутулишига ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшадилар.

■ **Норбобо ШАКАРОВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши вилоятдаги барча бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Янгича ишлаш, фаоллик, ташаббускорлик — ютуқлар гарови!» мавзуида, ягона кун тартибидаги, очиқ партия мажлисларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур йиғилишларда мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқлар моҳияти ва тарихий аҳамиятини ёритиш, ислоҳотларни амалга оширишда партия ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш чора-тадбирларини белгилаш тавсия этилди.

***

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг «1991 йил 1 сентябрда таваллуд топган болаларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мустақиллик куни 10 ёшга тўладиган вилоятда истиқомат қилувчи барча болаларга вилоят партия кенгаши номидан табрикнома ва эсдалик совғалар топширилади.

***

Андижон шаҳар партия кенгаши Ўзбекистон давлат мустақиллиги 10 йиллиги муносабати билан Андижон касб-ҳунар техника лицейи, вилоят мусиқа ва драма театри, «Андижонкиновидео» акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган ва бошқа бошланғич партия ташкилотларида «Миллий ғоя — Ватан равнақи» мавзуида, «давра суҳбатлари»ни ташкил этди.

***

Қаршида Конрад Аденауэр номли жамғарманинг минтақавий ваколатхонаси ва мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўртасида имзоланган шартнома асосида «Парламент ислоҳотлари — Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг янги босқичи» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган барча сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари икки кун давомида жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни, ислоҳотларнинг сиёсий жиҳатлари, халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар, парламент ислоҳотининг асосий босқичлари ҳамда йўналишлари ҳақида ўзаро баҳс-мунозаралар олиб бордилар.

Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий бўлинмаси раҳбари Вольфганг Шрайбер Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг анжуманда фаол иштирок этганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

***

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар партия кенгашининг пленумида «Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларининг бошланғич партия ташкилотларида бажарилиши ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Шунингдек, пленумда халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига ХДПдан сайланган депутат К. Шукуровнинг ўз фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

***

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг, ХДП Бухоро, Пахтаобод туман кенгашлари томонидан ўтказилган семинарларида ўз-ўзини бошқарув органларига бўлиб ўтаётган сайловларда партия ташкилотларининг иштироки ва вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

***

ХДП Олтинкўл туман партия кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ёшлар учун «Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатлари» мавзуида; «давра суҳбати»ни ташкил этди.

***

Партия Фиждувон туман кенгаши томонидан 44-сонли мактабда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрганишга бағишланган мулоқот ўтказилди.

***

Ўзбекистон ХДП Шовот туман кенгаши Ал-Хоразмий номли I-вилоят лицейида ўтказилган республика «Офарин-2001» танлови ғолиби, шоир Матназар Абдулҳаким ижодига бағишланган адабий кечани ташкил этишда бош-қош бўлди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

СОҲИЛДАГИ ОТА

Қуванинг Акбаробод қишлоғида Фозилжон ота истиқомат қилади. Етмиш саккиз ёшли бу отахон тик қоматли, ҳали куч-қувватга тўла, чайир қўллари эса меҳнатдан қолгани йўқ. Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида турли соҳа меҳнаткашлари Президентимиз Фармони билан давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улар орасида Фозилжон ота Холматовнинг ҳам борлигини кўриб қувондик. Отани сўроқлаб, муборакбод эттани хонадонига боргани-мизда, ўғли Равшанбек чеҳраси очилиб: «Дадамларни уйда топиш қийин, ўзининг қадрдон боғларига, канал бўйларига чиқиб кетганлигини сезмай ҳам қоламиз», — деди. Отани мажнунтолнинг соясида, оқин сув билан сирлашиб турган ҳолатда учратдик.

— Фозилжон ота, аввало, мукофотлар муборак бўлсин. Уйда, набира ва чевараларингиз даврасида келди-кетдини кузатиб ўтирсангиз бўлмайдими? — сўраймиз.

— Эҳ, болам-а, бу йўллар, бу оқин сувлар менинг бор вужудимга айланиб қолган. Кунда, кунора бу ёқларга чиқмасам, мана бу кўчатларга термулмасам, бемор одамдай ўзимни лоҳас сезаман, — дейди ота майин кулимсираб.

— Мен ҳаётимдаги уч жиҳатни умримнинг мазмуни деб биламан. 45 йил муқаддам шу каналга участка бошлиғи бўлиб ишга келганлигим, она Ўзбекистонимизнинг Мустақиллигини шу кўзларим билан кўрганлигим ва унинг тўққизинчи йилида Ватан мени ардоқлагани десам тўғри бўлади.

— Сиздай табаррук инсонларнинг ҳаёт дафтари билан танишиш ҳар бир кишида катта қизиқиш уйғотиши табиий...

— Нима ҳам дердим, ўтган йиллар ўтиб кетди, улуғ инсонлар этагини ушлаб кам бўлганим йўқ. Ерга, элга оби ҳаёт олиб келишдек савобли ишлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. 45 йил бурун бу ишга мен раҳматли қайинотам Собиржон Каримов (у киши пахта заводи директори бўлган) тавсияси билан келганман. Иш ғоят масъулиятли эканлигини уқтирган. Шу-шу сув билан сирлашаман, оби ҳаёт таратаман. Бизнинг тармоқ Исфайрам — Шоҳимардон сой участкасига киради. Жанубий Фарғона каналининг узунлиги — 110 километр. Унинг 40 километри Қувадан ўтади. Қаранглар, 6 та туманга сув берамиз. Вақти келганда ана шу масофани бир кунда икки-уч марта ҳам босиб ўтишга тўғри келади. Полвонтошдан Олтиариққача «полуторка» машинасида йўл босишнинг ўзи бўлмайди. Қанча-қанча муаммолар, сув талашишлар, келишмовчиликларни ҳал этиш зиммамда эди. Шу боисдан ҳам бу ерларни, сув соҳилларини, ўзим яратган 27 гектарли боғни кунда, кунора кўрмасам туролмайман. Худди шу ерларда устозларим билан хаёлан суҳбат қураман. Бош муҳандис Кузьмин Михаил Иванович, 5-бўлим бошлиғи Ҳабибулло Сафаров ҳамда пири комилимиз бўлмиш Эшон оталар билан сўзлашаман, уларнинг руҳлари ҳамиша мен билан бирга бўлаётгандай туюлади.

Жанубий Фарғона каналидан самарали фойдаланиш учун Фозилжон ота раҳбарлигида жуда кўп ишлар қилинган. 1966-67 йилларда 110 километр узунликдаги канал бетонлаштирилиши, дастлаб 16 куб сув олиш қувватига эга бўлган каналнинг 40 куб сув олиш имкониятининг яратилиши, мироблар учун 13 та уй-жой, 3 та участкада боғ, дам олиш масканн бунёд этилиши — буларнинг барчаси тинимсиз меҳнат, катта ташкилотчиликнинг ҳосиласи эмасми?! Ота иккинчи жаҳон уруши азоблариии ҳам кўрган. Баъзилар бор, фронт нималигини, уруш олови нелигини кўрмай туриб, ўзларини «қаҳрамон» ҳисоблайдилар. Фозилжон ота 1942 йилнинг айни ёзида не-не ўзбек ўғлонлари қатори урушга кетган, Кавказ фронти жанггоҳларини кўрган. Арманистон ва Туркия чегарасида хизмат қилиб, жароҳатланган. Ана шу қаттиқ жароҳат туфайли 1943 йилнинг охирида Қувага қайтган. Шу-шу ўзини меҳнатга урди.

— Ер, сув, табиатнинг қадрига ўзбек халқичалик ҳеч ким етмайди. Пенсияга 1983 йили чиқдим. Бир ой ўтмай зерикдим, — дейди ота кулимсираб. — Яна ўз иш жойимга, қадрдонлар бағрига қайтдим. Боғ қилишга киришдим. Канал бўйидаги мана шу боғларнинг кўчатини ўзим етиштириб, ўзим қўйганман. Учта участкада мана шундай учта боғ қилдим. Ҳаммаси мироблар учун, уларнинг фарзандлари, меҳмонлар учун. Ҳозир ўзим 1,3 гектар ерда янги боғ яратдим. Икки йил бўлди. Худога шукр, мевасини татидим, одамлар ундан баҳра олишмоқда. Янгидан яна 300 туп мевали кўчат қўйдим. Ҳар бир мевали дарахтни эъзозласак, мўл ҳосил етиштирсак, сўлим жойларнинг қадрига етсак, ишонаверинглар, инсон юз йилдан ортиқ умр кўради.

Фозилжон отанинг мулоҳазалари тўғрилигига, ростлигига қўшиламиз. Чунки, унинг ўзи ҳали бардам. Сув билан сирлашган, боғлар билан биродарлашган инсон мана шундай адл қомат, юзлари Қува аноридай қизил, мушаклари бақувват бўлади. Бу ёғини сўзласам, фарзандлари ҳам ҳақиқий комил инсон бўлиб етишганлар. Беш фарзанднинг ҳаммаси уйли-жойли, олий маълумотли. 17 набира, 7 нафар чеваранинг бобоси Фозилжон ота Холматов бугун «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

...Ана, қишлоқ йўлидан салмоқланиб ота келяпти. Қаердан? Албатта, канал соҳилидан, қадрдон саховатли боғларидан...

■ **Содиқ ДЕҲҚОН**



Мамлакатимизда олтин ёз эшик қоқмоқда. Мактаб бағридаги болалик сўлим гўшалар, соя-салқин манзиллар томон йўл олди. Болалик қувончлари энди дам олиш уйларига кўчиб ўтади.

Каттақўрғон туманидаги болалар дам олиш уйи директори Анваржон Раззоқов мавсум арафасида қуйидагиларни гапириб берди: — Дам олиш уйимиз уч ой давомида 1000га яқин болажонларимизга хизмат кўрсатади. Мавжуд бинолар тўлиқ таъмирланган. 10 гектар ерда деҳқончилик қилиб мева-сабзавотларни ўзимиз етиштирмоқдамиз. Мақсадимиз — 2001 йилнинг олтин ёзи гўзал ўтсин.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ИНСОН ВА ТАБИАТ

СИРЛАР, СИНОАТЛАР САЛТАНАТИ

Инсонларни ҳамиша ҳайвонларнинг баъзи бир хатти-ҳаракатлари қизиқтириб келган. Кузатишлардан аёнки, ўргимчаклар энг яхши барометр ҳисобланади. Улар об-ҳаво ўзгаришини тўғри «айтиб» беради. Ўргимчаклар намликни унча хушламайдилар, шунинг учун ҳам улар эрталабки шудрингда овга чиқишмайди ёки камдан-кам чиқадилар. Агарда ўргимчак овга иссиқда, яъни куннинг қоқ ўртасида чиқса, бу кучли шамол бўлиши ёки момақалдироқ гумбурлашидан даракдир. Кечқурунлари ўргимчакка кўзингиз тушса, билингки, эртасига кун очиқ бўлади.

Об-ҳаво очиқ вақтида голец балиғи аквариум тагида жимгина ётади ёки аквариум ойнасига ёпишган ҳолда мудроқ босгандай сузиб юради. Осмонда булутлар пайдо бўлса борми, балиқ ўзини гоҳ тепага, гоҳ пастга уриб, безовта бўла бошлайди. Хуллас, бир неча дақиқалардан сўнг биринчи ёмғир томчилари тома бошлаганлигининг гувоҳи бўласиз. Голец балиғидан Хитой деҳқонлари «тирик барометр» сифатида фойдаланишади. Баъзи ўсимликлар ҳам об-ҳаво ўзгаришини билиш хусусиятига эга. Ҳиндистондаги дарёлар қирғоқларида қалин қамишзорлар мавжуд бўлиб, фақат қўрқмас овчиларгина бу ерларга кира олишади. Чунки қамишзорда йиртқичлар беркиниши мумкин. Қамишга қараб бемалол эртага ҳавонинг қанақа келишини айтиб бера олиш мумкин. Агарда эрталабки соат 8-10 ларда қамиш барглари учида бир томчи суюқлик, яъни қамиш кўз ёши бўлса, ёмғир ёғиши муқаррар. Шунинг учун ҳам ҳиндларда «Қамиш йиғладими, ёмғир ёғиши керак» деган гап бор.

Тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчи чўпонлар ёмғир ёғиши ва туман тушишини қўйнинг жунидан билишади, қўл теккизилганда, у ҳўл бўлса, ёмғир ёғади ёки туман тушади, чунки жун ҳаводаги намликни тез ўзига тортади.

Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг баъзи бир хусусиятлари, жумладан, ҳеч адашмасдан «уйини» топиб келиши, ҳид билиш, сезиш ва бошқалар ҳақида кўп эшитганмиз. Кўршапалакдан балиқларгача, ҳашаротлар, қушлар, маймунлар ва илонларда ўтказилган тажрибалар улардаги сезги органларининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Кузатишлардан маълумки, ўсимлик, ҳайвон ва одам организмларида циклик, физиологик жараёнлар мавжуд. Бу жараёнлар Қуёшнинг чиқиши ва ботиши билан ифодаланади. Бошқача айтганда, «физиологик соат» мавжуд. Инсонлар анча асрлар аввал ҳам ўсимликлар куннинг маълум вақтида споларини ташлаши, тез ўсиши, гулнинг очилиб-ёпилишига қараб қуёшнинг қай ҳолатда турганини аниқ ифодалаб бера олишган. Агарда гулларни ёруғлик йўқ жойга олиб кирилса ҳам, очиладиган вақтда очилаверади. Маълумки, соатсиз ҳам белгиланган вақтда уйғониш мумкин, фақат миядаги «физиологик соат»ни керак вақтга созлаб қўйилса бас. Бундай ҳолат ҳали фанга унчалик маълум эмас. Ҳайвонларнинг баъзи хатти-ҳаракатларидан, табиатидан кўп нарсаларни ўрганса бўлади. Бундан 5000 йил аввал одамлар каптар ва қалдирғочларнинг адашмай уясини топиб келишини кузатишган. Бироқ, қандай қилиб топиб келади, бу ҳанузгача номаълум. Каптарларнинг хат ташиши ҳақидаги маълумотлар ўзининг ажойиб тарихига эга. Ҳозирги алоқа тармоқлари кенг ривожланган даврда ҳам бундай усуллардан фойдаланишади. Йўл топа олишнинг сири нимада? Қуёшда дерсиз, лекин қуёш қай соатда, қаерда турганлигини улар қаердан билишади? Қушларнинг биологик соатлари ва эслаш қобилиятлари йўлни бехато топади. Қамишзорларга уя қурадиган қамишзор чумчуғи ўз уясини шундай баландликка қурадики, агарда сув сатҳи энг кўп кўтарилган тақдирда ҳам унинг уясигача етиб бормайди. Баъзан чумчуқ ўтган йили қурган уясига нисбатан кейинги йили юқорироққа ин қуради. Сабаби сув мўлжалдагидан анча кўтарилади. Буни у қаердан билдийкин?

Ҳашаротларнинг мураккаб туғилган кўзлари Қуёшга қараб мўлжал олади. Ҳанузгача баъзи тур капалакларнинг бир-бирини 8-11 километрдан қандай топиб келиши сирлилигича қолмоқда. Тадқиқотларга кўра, урғочи капалакни ойнали идишга солиб, эркагини шаҳардан 10 км. узоқликка олиб бориб қўйишганда ҳам у жуфтини топиб келган. Тошбақалар биолог олимларни йўл топиш қобилиятлари билан лол қолдирмоқда. Денгиз тошбақалари қирғоқдаги қумликка тухум қўйишиб яна денгизга тушиб ватанларига, 2000 км. узоқларга сузиб кетишади. Тухумдан чиққан тошбақачалар худди биров ўргатиб қўйгандек, ота-оналари ортидан эргашишади.

Ер қимирлашлар вақти-вақти билан содир бўлиб турадиган Японияда, бу табиий офатни бир неча соат олдин сезадиган кичкинагина оқ балиқча яшайди. У аквариумда ер силкинишидан бир неча соат аввал ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб безовта бўла бошлайди. Ер қаърида сезилар-сезилмас кечаётган озгина тебранишни ҳам тез илғаб олади. Японлар уни «сейсмограф балиқ» деб аташади.

Инсонлар олдида ҳали табиатнинг ечилмаган сир-синоатлари жуда кўп. XXI аср биологик аср бўлади, десак янглишмаймиз. Табиат бизга ҳамма гўзалликларни берган. Фақат уни тушуниб олишга ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, биологик мувозанатни тикласак, ҳайвонот ва ўсимликларни асраб, сув ва тупроқни ардоқласаккина, она заминимизда, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, эртанги кунимизга умид билан яшашимиз мумкин.

■ **Абдулахмет КУЗМЕТОВ, биология фанлари номзоди. Комил БУХОРОВ, Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси**

МУЛОҲАЗА

ДАХЛСИЗ майдондаги ДАХЛДОР ГАПЛАР

Майдон сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидагича берилган: «Бирон иш-ҳаракат учун мўлжалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган жой». Биз сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётган майдон эса, бир сўз билан айтганда, кўпчилигимизни назаримиздан четда қолаётган, лекин биз катталар томонидан талон-торож қилинаётган, аслида бизга дахли йўқ, дахлсиз майдондир. Унинг эгалари эса келажагимиз, қувончимиз бўлган фарзандларимиздир.

Кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончаси барпо этилган. Лекин уларнинг бугунги аянчли аҳволи ҳақида ким қайғуради. Болалар майдончасига ўрнатилган, турли хил машғулотларга мўлжалланган ўйин арғимчоқлари, нарвонлари кимлардир томонидан бузиб олиб кетилган. Биз катталар эса бу ҳолатга бефарқлигимиздан ташқари, болаларимиз учун янги-янги ташвишлар туғдирмоқдамиз. Бугун болалар майдончаси машина қўядиган жойга айланди. Баъзилар эса ҳеч тап-тортмасдан шу майдонча ерида рухсатсиз савдо дўкони, турли хил маиший бинолар қурмоқда. Биз бу ишларимиз билан болаларнинг беғубор оламига, уларнинг жаззки илинжига, умидига чанг солмоқдамиз. Баъзи жойларда бу майдон ахлатхонага айланган бир паллада болаларимиз кўнглидан нималар ўтмоқда? Болалар ўйнаётган тўп келиб теккан машина айюҳаннос солиб чийиллай бошлади. Болалар эса тум-тарақай бўлиб қочиб кетишди. Дарғазаб бўлган машина эгаси эса наҳотки, бу жой дахлсиз эканлигини билмайди?! Болаларнинг қувончларини ўзимиз оёқости қилмоқдамиз.

Баъзан ўйлаб қоламиз, нега биз бепарвомиз. Лоқайдмиз. Маҳалла фаоллари ёки бўлмаса ўз-ўзимиз фарзандларимизни ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган бу майдончани янада яхши бўлиши учун бош қотириш ўрнига уни топтаётганларга қарши курашмаймиз.

Ватан остонадан бошланади. Ўз остонамизга бефарқлик эса ҳеч қайси қонунда кўрсатилмаган бўлса-да, кечирилмас жиноятдир. Миллат оилада шаклланади. Болаларимиз илк қадамлари майдон узра ташланади ва она ер ҳақида, ватан ҳақида тасаввурлари ҳам шу ердан бошланади. Демак, ўз-ўзидан болалар майдончаси болаларнинг илк ватанидир.

Халқимиз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб соғлом авлод орзуси билан яшамоқда. Бас, шундай экан соғлом авлод камол топадиган бу майдон болаларимизники. Унга бирор бир бошқа мақсад билан қадам ташламайлик.

«Дахлсизлик» деган сўзнинг замирида алоқаси йўқлик, тааллуқсизлик деган маъно яширин. Демак, бу майдон дахлсизлик майдонидир.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

«МИЛЛИЙ ҒОЯ – БИЗНИНГ ҒОЯ»

Халқимизнинг азалий орзу-интилишларини мужассам этган бош ғоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мамлакатимизда бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари учун бирдек азиз ва муқаддасдир. Миллий истиқлол ғояси мазмун-моҳияти, жозибаси билан барча миллат ва элат вакиллари манфаатларини ўзида тўла мужассамлаштирган.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» деб номланган маърифий анжуманда Қорақалпоғистон Республикасида яшаб меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари ана шу фикрни тез-тез такрорладилар. Сўзга чиққан қорақалпоқ Хуснидин Ҳамидов, рус Игорь Заседательев, қозоқ Қайратжон Аролбоев, татар Рашид Аҳмедшин ва бошқалар мустақиллик йилларида республикада қўлга киритилаётган барча ютуқларда миллатлараро тотувлик омилининг ҳам ҳиссаси салмоқли эканлигини таъкидладилар. Ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тобора камол топмоқда. Бу дўстлик ва тотувлик мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилянти.

Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Байналмилал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу мавзудаги ҳаракатдаги амалий семинарлари Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

■ **Наргиза ҲОШИМОВА**

АСАКАДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР...

Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни янги иш услублари билан таъминлаш борасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар жараёнида ўқув муассасалари фаолиятини давлат таълим стандарти талабларига мос равишда ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Асака туманидаги F. Ёқубов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 26-умумий ўрта таълим мактабида бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Мактабда айни вақтда 1316 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил олмоқда. Ўқув даргоҳида ёшларнинг интилишларини ҳисобга олган ҳолда турли фан тўгараклари, оммавий тадбирлар ташкил этилган. Ўз касбининг фидойиси, 30 йиллик меҳнат стажига эга Муборак Ёқубова бошчилигидаги мактаб жамоаси нафақат туман, балки вилоят, республика миқёсидаги танловларда ҳам яхши кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

— Мактабимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси ўқувчилар онгида атроф-муҳитга яхши муносабатни таркиб топтиришга қаратилган. Фақат соғлом муҳитдагина соғлом авлод вояга етиши мумкин, — дейди мактабнинг география фани ўқитувчиси, олий тоифали педагог Нафиса Жўраева.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ЁШУЛЛИСИ

(ОЧЕРК)

«Ёшулли» сўзини ҳеч ким хоразмликларнинг ўзларичалик чиройли қилиб айтолмайди. Бу сўз фақат ёши улуғ (ёшулли — ёши улуғ деганидир) одамгина эмас, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ, обрў-эътиборли раҳбарларга нисбатан ҳам ишлатилади. Демак, чинакам «ёшулли» бўлиш Хоразмда катта шараф ҳисобланади.

«Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти бош директори Маҳмуджон Собиров қисқа фурсат мобайнида алоқачиларнинг чинакам ёшуллисига айланди.

Маҳмуджон Собиров Хоразм алоқачиларининг сардори этиб тайинланган кунларданоқ самимий, дилкаш-ҳазилкаш, қувноқ одам сифатида таассурот қолдирди. Бундан хурсанд бўлган айрим ҳамкасблари «Феъл-атвори дурустга ўхшайди, бирга ишлашсак бўлади, аммо ишни уддалаб кета олармикин? Алоқа тармоғи қийин соҳа...» — дея ўзаро мулоҳаза юритишди. Уларнинг ҳадиги ўринсиз бўлиб чиқди. Орадан кўп ўтмай ёшулли нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйди. «Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти республикадаги энг илғор, намунали алоқа корхоналаридан бирига айланди. Пойтахтда ўтадиган йиғилишларда тилга тушди.

Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан алоқа соҳасига ҳам чет эл инвестицияси жалб этила бошлангач, Япония ташқи иқтисодий алоқалар банки билан тузилган шартномага асосан Хоразм вилояти учун узоқ муддатли икки миллиард юз миллион иен қарз берилди. 1995 йилга келиб вилоятдаги алоқа воситаларининг маълум қисми ўз муддатини ўтаган ва шаҳар, туман марказларида кейинги ўн-ўн икки йил давомида қурилган телефон станциялари ҳам бугунги талабларга тўла жавоб беролмай қолган эди. Юқорида қайд қилинган қарз олингач, 1996 йилдан бошлаб вилоят алоқа тизими тарихида янги — юксалиш даври бошланди. Янги раҳбар Маҳмуд Собиров енг шимариб ишга киришди. Унинг етук мутахассис, уддабурон ташкилотчи эканлиги тез орада маълум бўлди.

Лойиҳага асосан 1997 йил давомида янги телефон станциялари ўрнатиладиган ўн тўққизта бино янги талаблар даражасида таъмирланди. Бу ишлар учун корхона ҳисобидан 80 миллион сўм харажат қилинди. Вилоят марказини Хива, Хонқа, Қўшкўпир, Шовот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманлари билан боғловчи шиша толали кабелларни ерга ётқизиш ишлари авж олдирилди. Хуллас, қисқа фурсат ичида кўҳна диёр энг замонавий телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланди. Кам харажат сарф қилинган ҳолда Урганч шаҳри ва еттита туманда Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида ишлайдиган рақамли АТСлар ишга туширилди. Тошкентда ўрнатилган йўлдошли антенна Хоразмни пойтахт билан улади. Натижада Хоразм бевосита жаҳон билан алоқа боғлаш имконига эга бўлди.

Хоразмда ўрнатилган рақамли телефон станциялари таркибида «Алоқа ДЭУ» жиҳозлари кенг қўлланилди. Энг узоқ туман ва қишлоқларда ҳам саноқли дақиқада ўзаро алоқа боғлаш билан бир қаторда мустақил каналлар орқали шаҳарлараро ва йўлдошли халқаро алоқага чиқиш қулайлиги яратилди.

Япониянинг NEC корпорацияси Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларини мукаммал режалаштирилган алоқа тизимлари билан таъминлади. NEAX 61 алоқа станцияси кўп турдаги хизматлар кўрсатишга қодирлигини амалда кўрсатди.

Ёшулли раҳбарлигидаги алоқачиларнинг шодлиги чексиз эди. Вилоятда сиғими 61 минг нуқтага эга бўлган 18 та рақамли телефон станциялари ва қуввати 5460 портга тенг шаҳарлараро телефон

станцияси мижозларга хизмат кўрсата бошлади.

Ҳар қандай муаммо-мушкулотни охир-оқибат кадрлар ҳал қилажагини яхши англаган ёшулли ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берди. Чет эл технологиясини ўзлаштириш мақсадида бир гуруҳ алоқачи мутахассислар хорижга юборилди. Рустам Янгибоев, Бахтиёр Мадаминов, Иброҳим Жабборов, Каримбой Ҳамроевлар Японияга, Фарҳод Янгибоев, Шоназар Жуманиёзов, Отабек Самандаровлар эса Кореяга бориб тажриба орттириб келдилар. Шунингдек, Тошкент электротехника алоқа институтида йигирма икки нафар, Алоқа коллежида тўрт нафар хоразмлик талаба корхона ҳисобидан шартнома асосида таълим олмоқда. Бугунги кунда хоразмликлар ўз алоқачилари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Мижозларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган ҳам шулар!

Сир эмас, телефонга иши тушган, айниқса, уйига телефон ўрнатмоқчи бўлган айрим мижозлар ўртасида «Алоқачиларга озгина эрисанг бас, муаммо осонгина ҳал бўлади» деган тушунча шаклланиб қолган. Ёшулли раҳбарликка тайинланган дастлабки кунлариданоқ ана шу нотўғри тушунчага зарба беришни дилига тугиб қўйди ва бу ишни қойилмақом қилиб уддалади. Жойларда телефон ўтказишда қийналаётган одамлар мурожаат қилишганда, уларнинг қўлларига махсус гувоҳнома берилиб, туман алоқа боғламаси бошлиғига учрашиш тавсия қилинадиган бўлди. Гувоҳномада масалани зудлик билан ҳал этадиган шундай сўзлар битиларди:

«Туман электралоқа боғламаси бошлиғига.

Шу гувоҳнома билан ҳузурингизга борган шахсга миннатдорчилик билдириб, ҳурматини жойига қўйинг ва узоғи билан бир ҳафта ичида белгиланган қонунлар асосида уйига телефон ўрнатилганлиги ҳақидаги маълумотни ҳар ҳафтанинг шанба куни соат 9.30 да вилоят алоқа корхонаси девонига топширинг.

Бош директор: М. С. Собиров».

Ушбу чора-тадбир ўз самарасини берди дейишнинг ўзи камлик қилди. Хоразм алоқа тарихида шу маҳалгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик, ташаббус жорий этила бошланди: алоқачиларнинг ўзлари ёки жамоатчи ташкилотлар «Телефон туширишни истайсизми?» дея хонадонма-хонадон юриб, мижоз қидиришга тушиб қолишди. Вилоят алоқа корхонасининг буйруғига асосан, бир кўчадан ўн бешта, икки ёки уч кўчадан йигирмадан зиёд телефон ўтказиш ҳақидаги аризани йиғиб келганлар махсус мукофотланадиган бўлди!

Модомики, янги аср ахборот асри дея таърифланаётган экан, алоқа воситаларидан фойдаланувчи мижозларнинг ишончини қозониш ва уларни ўзига жалб этиш учун соғлом рақобат муҳитини яратиш, қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда алоқа сифатини яхшилаш муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф. С. Абдуллаевнинг ҳар галги ҳайъат йиғилишида бу ҳақда қўйиниб гапириши ҳам бежиз эмас, албатта. Хоразм алоқачиларининг муваффақиятли «сир»ларидан бири ана шу масалага алоҳида эътибор берилаётганидир.

Модий манфаатдорлик ҳар қандай тараққиётнинг омили (айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида) эканлигини кўпчилик билади, аммо бундан ҳамиша ҳам унумли фойдаланавермаймиз. М. Собировнинг иш фаолияти билан яқиндан танишганимдан унинг ана ўша синалган усулдан ниҳоятда унумли фойдаланаётганига гувоҳ бўлдим.

Сўнгги йилларда вилоят электралоқа корхонаси аҳолига бепул, аниқроғи, муддатли кредит асосида газ ҳисоблагичлар ўрнатиб бермоқда. Ҳозиргача икки юз элликдан зиёд хонадонга ана шундай ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир хонадон бундай аппарат ўрнатилмасдан олдин газдан фойдаланганлиги учун йилига ўртача қирқ минг сўм тўлашар экан. Энди эса бу рақам саккиз мингга тушиб қолди. Агар вилоятдаги барча хонадонларга шундай асбоблар ўрнатилса, икки миллиард сўмга яқин маблағ аҳоли чўнтагида қоларкан ва халқ хўжалиги учун анча миқдорда газ тежаб қолинаркан.

Моддий манфаатдорлик асосида жорий этилган янгиликлардан яна бири — ижарага берилган таксофонлар хизматидир. Бундай таксофонлар асосан бозорлар, катта магистрал йўллар ва аҳоли гавжум жойларда ўрнатилмоқда. Биргина Гурлан туманининг ўзида бундай таксофонлардан ўн олтитаси ишлаб турибди. У ерда бўлганимизда сартарошхона ва туман марказидаги бозорга ўрнатилган таксофонлардан синаш учун қўнғироқ қилиб кўрдим. Пойтахт билан бир марта теришда боғландим, алоқа сифати эса аъло даражада эди.

Хоразмлик алоқачилар янги йилнинг биринчи чорагини ҳам муваффақиятли якунладилар. Электралоқа корхоналари томонидан 402,2 миллион сўмлик даромад олиниб, режа 101 фоизга бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврга нисбатан 193,5 миллион сўмга кўпдир. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 102,6 фоизга уддаланиб, 5,4 миллион сўмдан зиёд режадан ортиқ хизмат кўрсатилди.

М. Собиров билан Урганч кўчалари ва шаҳар атрофини айланиб юрарканмиз, ёшуллининг ҳар бир масалага тадбиркор алоқачи мутахассис кўзи билан қарашини илғадим. Вилоят маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, ҳамма жойда қурилиш, ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ишлари авж олган эди.

— Ана, ёнма-ён турган Ал-Хоразмий, Беруний боғлари, Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган, — деди ёшулли фахрланиб. — Мана энди Авесто боғи яратилянти, Янгибозор деҳқон бозори ишга тушди. Вилоятда коллежлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Биз — алоқачилар учун қанчалиқ кўп қурилиш, бунёдкорлиқ бўлса, шунча яхши-да. Негаки, улар бизнинг бўлажак мижозларимиз. Ҳали қурилиш ишлари битмасданоқ уларга вақтинчалик фойдаланишлари учун телефон ўрнатиб берямиз. Дарвоқе, Урганчдаги марказий деҳқон бозорида худо хоҳласа бир ажойиб «Телекоммуникация» уйи барпо этамиз. Унда фақат телефонгина эмас, факс, ксерокопия, электрон почта, Интернет хизматлари ҳам жорий этилади.

Йўл-йўлакай Урганчдаги кўҳна Охунбобо мачитини зиёрат қилиб ўтдик. Муҳташам, файзли-тароватли бу муқаддас даргоҳ вилоят алоқа корхонасининг ҳомийлигида таъмирланибди. Шунингдек, корхона маҳаллалар, мактаблар, кам даромадли оилаларга ҳам баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хуллас, Хоразм алоқачиларининг хайрли, ибратли ишларини санаб адоғига етиш қийин.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги шу йилнинг кузида бу кўҳна диёрда хоразмликлар тажрибасини республика миқёсида ўрганиш учун махсус анжуман ўтказишни режалаштираётгани ҳам бежиз эмас-да.

— Оллоҳ инсонни муқаддас ва мунаввар қилиб яратган, — дейди Маҳмуд Собиров. — Қуёшдан, Ердан, табиатдан фойдаланингиз, ҳаводан нафас олингиз, дея шу унсурларни яратди. Ватан улғайтиради, ўстиради, одам қилади, бағридан жой беради. Лекин буларнинг барини мен қарз деб биламан. Бу қарзни қайтариш керак. Менинг жайдари фалсафам мана шу.

Орамизда мана шундай сўзи билан иши бир, лафзи ҳалол, имон- эътиқоди бутун, фидойи одамлар борлигини ўйлаб, кўнглим равшан тортди. Менимча, мана шундай инсонлар замонамиз қаҳрамони деган номга лойиқдир. Яқинда хоразмлик алоқачиларни хурсанд қиладиган яна бир хушхабарни эшитдим. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун заҳматкаш алоқачи Маҳмуджон Собиров «Моҳир алоқачи» унвони билан тақдирланди. Ишларингиз янада «жонли» (хоразмча ибора) бўлаверсин, ёшулли.

■ **Шодмон ОТАБЕК**

«МАКТАБ — МЕБЕЛЬ»

Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикасида ўсиб улғаяётган барча ўғил-қизларимизни, ўқитувчилар, мураббийлар ва тарбиячиларни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан самимий муборакбод этади!

Маълумки, ўзбеклар болажон халқ. Қадим-қадимдан юртимизда болалар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, мамлакат мустақиллиги қўлга киритилгачи, келажагимиз бўлмиш ёш авлод тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда.



Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ёшлар ҳақида ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Йигирма биринчи асрнинг дастлабки йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги ҳам ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишга ҳаракат қилинаётганлиги фикримиз далилидир.

Бизнинг «Мактаб — мебель» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонамиз ҳам шу дастур доирасида ташкил этилган. Айни пайтда қўшма корхонамиз мактаблар учун сифатли, бежирим мебеллар ишлаб чиқармоқда.

Ниятимиз — Ўзбекистон болалари соғлом, бақувват бўлиб камол топсин!
Юртимизнинг келажаги бўлган ёшлар баркамол авлод сифатида шакллансин!

РОССИЯ АҲОЛИСИ:

Статистик маълумотларга асосан Россия аҳолиси сони 144.7 млн. кишини ташкил этади. Бу рақам охирги 10 йилга нисбатан солиштирганда жиддий фарқ қилишини — камайганлигини кўришимиз мумкин, дейди Россия Фанлар академияси Миллий аҳолишунослик ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти директори Наталья Римашевская. Аҳолининг бундай узлуксиз камайиши мамлакат ижтимоий ҳаётида из қолдирмасдан кетмайди, албатта. Агар тез орада кескин демографик чора-тадбирлар олиб борилмаса, Россия аҳолиси 2015 йилда — 132 млн., 2025 йилда — 87 млн., 2050 йилда эса — 50 млн. гача камайиши мумкин.

ЁЛҒОНГА НА ҲОЖАТ?

«Сайенс» агентлиги яқинда австралияликлар орасида одамларнинг ўз иш жойлари ва фаолияти ҳақида билиш учун сўров ўтказди. Лекин агентлик вакиллари ғаройиб нарсага дуч келишди. Яъни австралияликларнинг кўпчилиги — сўровда қатнашганларнинг 66 фоизи ўз иш жойлари ҳақида аниқ маълумот беришмаган, балки ёлғон ишлатишган. Улар иш ҳақию бажараётган вазифаси тўғрисида ҳам фақат ёлғон гапиришган.

Агентлик ўтказган тадқиқотдан маълум бўлишича, ёлғон сўзлаганларнинг 24 фоизи сўровдан тезроқ қутулиш, 17 фоизи ўзининг заиф томонларини яшириш, 5 фоизи вазифаси сир тутилгани учун алдаганини маълум қилган. Тавба, ёлғонга на ҳожат экан-а?

ТИБЕТ ТОМОНЛАРДА

«Қор одам» ҳақидаги хабарлар энди тинчиган пайтда, Тибет томонда у ҳақда янги миш-мишлар оралаб қолди. Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Тибет пойтахти Лхасида «қор одам» пайдо бўлган, лекин ҳеч кимга зарар етказмасдан ўрмон ичига кириб кетган.

«Қор одам» ҳақида XVII асрдаги илмий адабиётларда ҳам маълумотлар бор. Бир гуруҳ инглиз ҳамда француз олимлари унинг суратини ҳам чизиб қолдирган. Лекин ҳалигача «қор одам» тўлиқ тадқиқ этилмаган.



ТЎНТАРИЛИШ АМАЛГА ОШМАДИ

Марказий Африка Республикасида давлат тўнтаришига уриниш бўлди. Хабарларга қараганда, бир гуруҳ ҳарбийлар мамлакат президенти Анж-Феликс Патассенинг Банги шаҳридаги қароргоҳига ҳужум қилган. Натижада давлат раҳбари тансоқчиларидан камида тўрт нафари ҳалок бўлган.

ЎРМОН ОЛОВ ИЧИДА



Мана бир неча кундирки, Сибирь ўрмонларида кучли ёнғин давом этмоқда. Айниқса, Красноярск ўлкаси ва Иркутск вилоятида аҳвол жиддий. Ёнғин натижасида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуюқ тутун ҳатто шаҳар марказигача кириб борган. Оловни ўчириш учун махсус вертолётлар ҳам жалб этилди. Иркутск вилоятида кечанинг ўзида 76 ёнғин ўчоғи қайд этилган, шу вақттача эса 2.5 минг гектар ўрмонзорга зарар етган.

Ёнғиннинг олдини олиш ходимларининг аниқлашларича, ёнғин сабаблари олти ҳолатда яшин тушиши, қолганлари эса инсонларнинг табиат қўйнида оловдан нотўғри фойдаланиши ёки қуриган ўт-ўланларнинг қизиши оқибатида содир бўлган.

Орган ходимлари томонидан май ойининг ўзида ёнғин чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар содир этганлиги учун 235 кишига жарима солинган, 20 дан ортиқ фуқаро устидан жиноят иши қўзғатилган.

XX АСР ДОНИШМАНДЛАРИ

ХАЙЕК ФРИДРИХ АВГУСТ ФОН ҲИКМАТЛАРИ

Англо-австриялик файласуф, иқтисодчи, замонавий либерализм классиги бўлмиш Фридрих Август фон Хайекнинг (1899-1992) «Қулликка йўл» (1944), «Фан контреволюцияси» (1952), «Ўзига бино қўйиш ҳалокати, социализм хатоси» (1988) сингари асарлари чоп этилган.

У Вена университетида ҳуқуқ, фалсафа ва иқтисодиётни чуқур ўқиб-ўрганди.

1927 йилдан 1931 йилгача Австрия конъюктура тадқиқотлари институтини бошқарган.

1939 йилда Хайек Англия фуқаролигини қабул қилди.

1950-1962 йилларда Чикаго университетида, сўнг Фрейбург университетида дарс беради.

1974 йилда Г. Мюрдал билан биргаликда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлади.

Хайек ўз илмий-ижодий ҳаёти давомида иқтисодиётга давлат аралашуви фақат тоталитаризмга олиб келишини мантиқий нуқтаи назардан исботлаб берди.

Барча техник ўйланмалар ва ғоялар жуда қисқа муддатда амалга ошиши мумкин, агарки одамзот жипслашиб, бутун кучини вужуди билан шу йўналишга сарфласа.

✧✧✧

Тоталитар давлатнинг фуқаролари ғояга содиқлигидан бадахлоқ фаолиятларни-да амалга ошираверадилар.

✧✧✧

Демократик назорат ҳокимият диктатурасига қаттиқ халақит қилади, лекин унинг ўта оғир меҳнатига ҳам чидаш лозим.

✧✧✧

Тоталитар машинанинг муваффақиятли ишлаши учун биргина зўравонликнинг ўзи кифоя эмас. Одамлар умумий мақсадни худди ўзларининг мақсадидек қабул қилишлари ҳам зарур.

✧✧✧

Агар жамиятда коллективчилик кайфияти устунлик қилса, демократиянинг ўлимга юз тутиши муқаррар.

✧✧✧

Рақобат ва режалаштириш ўз кучини йўқотади, агарки, ундан чала-ярим фойдаланилса.

✧✧✧

Рақобатни режалаштириш деган нарса билан бирлаштириш мумкин эмас — ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш фактори сифатида унинг жиловини бўшаштирмай туриб.

✧✧✧

Авлодлар орзуси қаёққа бошлайди — энг муҳими шу, буни биргина партиялар ҳал этмайди, балки ҳар биримиз виждонан ёндашмоғимиз керак унга.

✧✧✧

Келажакда қўлга киритиладиган муқим озодлик йўлида озодликдан вақтинчалик воз кечиш мумкин. Лекин бу жараён узоқ давомийликка айланмаслиги лозим.

✧✧✧

Негадир биз цивилизация бошидан кечирадиган бўҳронларнинг ҳар қандай изоҳланишини қабул қилишга тайёрмиз, аммо бу бўҳронлар ўз айбимиз ҳисобига юзага келганлиги ҳақидаги фикрларга тоқат қилолмаймиз, тўғрироғи, шу фикр хаёлимизга келмайди.

✧✧✧

Ўз бемаъниликларимизни тан олмас эканмиз, ҳеч қачон ақлли бўлолмаймиз.

✧✧✧

Озодлик йўлида айрим йўқотишлар бўлишини қўрқмай тан олишимиз учун дадилликни ўрганишимиз керак ва ҳар биримиз шу озодлик учун моддий қурбонликлар беришга тайёр туришимиз шарт.

✧✧✧

Кимни омад қувонтиради, кимни қисмат куйдиради — афсус буни одамзот олдиндан билиш қудратига эга эмас.

✧✧✧

Ҳеч ким ўзганинг фикри ва дунёқарашлари устидан ўзига ҳукмронликни ўзлаштириб ололмайди.

✧✧✧

Мутлақ ҳимояга «ўралиб» қолиш нафақат озодлик имкониятларини қисқартиради, балки унга жиддий хавф ҳам туғдиради.

✧✧✧

Шахс эркинлиги озодликнинг бош кафолатидир. Бу нафақат озод халқлар учун, балки озодликка эришмаган халқлар учун ҳам муҳимдир.

✧✧✧

Сиёсат ҳар хил одамларда бир хил натижа бериши учун уларнинг атрофида турлича «айланиш» лозим.

✧✧✧

Иқтисодий назоратни инсон ҳаёти назоратидан ажратиб бўлмайди, чунки восита ва имкониятларни назорат қилиш баробарида мақсадни-да назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

■ **Аз. НАҲҒРУДИЙ ва Алимқул СУЛТОН таржимаси**

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КИТОБИ

Ватаннинг рамзлари, Ватанга мансубликнинг белгилари ҳамиша муқаддасдир. Ушбу унсурларнинг илдизи чуқур ва теран. Тил, маданият, санъат ва адабиёт...

Ватанимиз XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилди. Байроғимиз, Гербимиз, Қомусимиз ва Мадҳиямизга эга бўлдик. Ватаннинг муқаддас тимсолларидан бири — Давлат мукофотлари саналади.

Фарзандлар Ватанга садоқатни исботлайдилар, фидойилик қиладилар. Ватан ўз фарзандларини тақдирлайди, мукофотлайди ва асраб-авайлайди. Давлат мукофотлари Ватан ўғлонларининг ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиради, яна-да юксак чўққиларни забт этишга ундайди.

Яқинда «Адолат» нашриёти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари» (Қонун ҳужжатлари) китоби чоп этилди. Китобни тузувчи: юридик фанлари доктори Ш. Рўзиназаров. Мазкур тўпламга Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари тўғрисидаги асосий қонун ҳужжатлари киритилган.

Илк саҳифа ЎзРФА академиги М. Ашуров ва юридик фанлари доктори Ш. Рўзиназаровнинг сўзбоши билан очилади.

— Адолатли ҳуқуқий демократик давлат сари борар эканмиз, — деб ёзади сўзбоши муаллифлари, — бу олижаноб мақсад йўлида фидокорона хизмат қилаётган фуқароларни авайлаб-асраш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг бош мақсади ва унинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида Давлат мукофотларининг асосчиси, ташаббускори ва муаллифи сифатида Президентимиз И. Каримовнинг хизматлари буюкдир.

Мана, мустақилликка эришганимизга ўн йил бўлди. Шу қисқа, бироқ мазмунли давр мобайнида фидойи юртдошларимиз Президентимиз фармонига биноан Ватанимизнинг олий мукофотлари билан тақдирландилар. Кўпмиллионли халқимизга ўрнак ва намуна бўлдилар. Уларнинг сафи яна кенгайиб боражак.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари» китобида ҳар бир мукофот тўғрисидаги Қонун, низом ва таснифлар берилган.

Орден-медалларнинг, унвонлар ва мукофотлар нишонларининг суратлари чоп этилган.

Китоб Ўзбекистон Республикасидаги Давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, корхона раҳбарлари ва мутахассислари, илмий ходимлар, юридик ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари ҳамда Давлат мукофотлари масалаларига қизиқувчи кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Муҳаррир Дилбар Дадажон қизи, рассом Зиёд Абдурасулов. Тўплам уч минг нусхада чоп этилган.

Бу китоб давлатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига муносиб туҳфа эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

■ **Рустам МУСУРМОН**

САЛОМАТЛИК — ЮРТ БОЙЛИГИ

ҚАЛБДАГИ ЁРУҒЛИК

Бутун умрини халққа хизмат қилишдек савобли ишга бағишлаган Николай Комлевнинг кейинги йилларда соғлиғи тез-тез ёмонлашадиган бўлиб қолди. Ҳавонинг ўзгариши унинг соғлиғига ёмон таъсир қила бошлади. Шундан сўнг кекса фахрий «Тошшаҳарйўловчитранс» қошидаги тиббий масканга мурожаат қилди. Бу поликлиника Миробод туманидаги нуфузли тиббиёт таянч пунктларидан биридир. Николай Иванович бу ерга кўп маротаба келиб ошқозон ва оёқлари оғриқларига шифо топган. Гастроэнтерология бўлими мудири Ольга Бурова мудом қарияни ўзининг қадрдон танишидек яхши кутиб олади.

Оқсоқол баъзида ўйлаб қолади. Кейинги беш йил ичида шифохона ўз кўринишини тубдан ўзгартирди. Барча бинолар таъмирдан чиқарилиб, шифохонага янги мебеллар олиб келинди. Бу маскан бугунги кунда «Тошшаҳарйўловчитранс» ходимлари дам оладиган, ишчи ва хизматчиларга намунали тиббий ёрдам кўрсатадиган ҳақиқий шифохонага айланди. Бу ишларнинг бошида бош врач Елена Жукова турибди. У фаолиятининг биринчи куниданоқ «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси Равшан Файзуллаевнинг олдига бориб, шароитни тушунтирди. Ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғи иш унумдорлигига ижобий таъсир қилишини шифокор сифатида тушунтира олди. Ғамхўр бошлиқ эса шифохонани жиҳозлаш, таъмирлаш ишларига шахсан бош-қош бўлди. Аста-секин поликлиника тубдан ўзгартирилди. Стационар очилди. 160 та беморга мўлжалланган жойлар ҳозирланди.

Елена Жукова шифохонанинг нафақат ташқи кўриниши, балки унинг асосини ташкил қиладиган тиббиёт ходимларининг салоҳияти, билими, беморларга муомаласининг яхшилигини алоҳида таъкидлайди. Бу ерда тиббиёт фанлари номзоди Аҳмед Аҳмедов, ички касалликлар бўлими мудири Елена Яшина, шифокор Зуҳра Аҳмедова ва бошқалар бутун билимларини инсон саломатлиги йўлида сарфлашмоқда. Поликлиникага замонавий тиббий аппаратуралар ўрнатилган. Барча лабораториялар тўлиқ ишламоқда. Дори-дармонлар ҳам имконият доирасида беморларга берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, инсонлар дардига дармон бўлаётган қўли енгил шифокорларимиз ҳақида қанчалар сўз айтсак ҳам кам. Улар ўз касбини қисмат деб билган фидойи инсонлардир.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

ТУРФА ОЛАМ

ОИЛА ҚУРИШ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС, ЛЕКИН...

Мушоҳада билан ўйлаб кўрилса, аслида оила қуриш ҳам ўта мушкул вазифа. Мушкуллиги шундаки, оила барқарорлигини сақлаб қолишдан ташқари, фарзандлар тарбиялаш ҳам осон эмас. Шунинг учунми ё бошқа сабабми ҳар қалай Австрияда никоҳдан ўтувчилар сони ўтган йилгига қараганда 0,7 фоиз камайган.

Ҳақиқий никоҳ ҳаётда бир маротаба бўлади, дейишади. Лекин бу мамлакатда никоҳга панжа орасидан қаровчилар ҳам талайгина экан, яъни қайта-қайта никоҳдан ўтишлар кўпчилик учун оддий ҳолга айланиб қолган. Айрим «келин-куёв»лар нечанчи бор никоҳдан ўтаётгани ва неча бор турмуш ўртоғига содиқ қолишга қасамёд қилаётганини ҳатто эслай олмайди. Ўтган йили 8 марта уйланган куёв ва 9 марта эрга теккан келин «мутлақ рекордчи» бўлганига нима дейсиз? Бундан ташқари ўтган йили 94 ёшли куёв ва 92 ёшли келин никоҳдан ўтганлиги ҳам ғайритабиий, албатта.

Муҳаббат ёш танламайди деган гап бор. Бунинг исботини ҳам шу мамлакатдан топса бўлади. Масалан, ўтган йили турмуш қурган куёвлардан бири ўз ёридан 54 ёш катта бўлса, келинлардан бири куёвдан 49 ёшга улуғ бўлган.

КОЛЛЕКЦИЯДА — ПАРОВОЗЛАР

Руминия миллий темир йўл компанияси чорак аср олдин фойдаланишдан чиқарилган паровозларни қаерга сиғдиришни билмай боши қотаётган эди. Лекин йўли топилди. Компания мамлакат заҳира йўлларида занглаб ётган икки локомотивни германиялик коллекционер Мануел Юссенга металл парчаси нархида (1 тоннаси — 250 марка) сотиб юборди. Кейин Австриядан ҳам паровоз ишқибозлари чиқиб қолди. Шундай қилиб, қачонлардан буён занглаб, қаровсиз ётган эски локомотивлар бозори чаққон молга айланишини хаёлига ҳам келтирмаган Руминия миллий темир йўл компанияси ҳозиргача 16 локомотивни сотишга муваффақ бўлди.

ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ

ОАО «ПЎЛАТҚУРИЛМА»

СОСТОИТСЯ 29 ИЮНЯ 2001 ГОДА В 10-00 ЧАСОВ
ПО АДРЕСУ: Г. Ташкент, ул. Абдуллаева, 4.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение счетной комиссии и регламента годового общего собрания акционеров.
2. Доклад Председателя Правления ОАО «ПЎЛАТҚУРИЛМА» о результатах финансово-хозяйственной деятельности предприятия по итогам 2000 года и основных направлениях развития общества на 2001 год.
3. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса за 2000 год.
4. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2001 год.
5. Отчет ревизионной комиссии.
6. Утверждение статей распределения прибыли и размера годовых дивидендов.
7. Утверждение бизнес плана на 2001 год.
8. Довыборы в состав правления и выборы Председателя правления.
9. РАЗНОЕ БАЛАНС ОАО «ПЎЛАТҚУРИЛМА» за 2000 год.

№№ пп	Наименование показателей	Актив тыс. (сум)	Пассив тыс. (сум)
01.	*Уставной капитал*		35000
02.	*Добавленный капитал*		450
03.	*Резервный капитал*		55311
04.	*Доходы будущих периодов*		46171
05.	*Нераспределенная прибыль*		243066
06.	*Дебиторы, кредиторы*	525115	661500
07.	*Краткосрочные кредиты*		15000
08.	*Прочие активы и пассивы*	43 413	52 333
09.	*Авансы, полученные от покупателей и заказчиков*		83 982
10.	*Основные средства, производственные запасы, готовая продукция, товары*	561 516	
11.	*Денежные средства*	48 749	
12.	*Капитальные вложения*	11 368	
13.	*Акции в дочерних и ассоциированных предприятиях*	2 652	
	ИТОГО:	1192813	1192813

Финансовые результаты (в тыс. сум)

Выручка от реализации	5659457,2 т.с.
Прибыль до уплаты налогов	187962,2 т.с.
Налоги	136274,9 т.с.
Чистая прибыль	51 687,3 т.с.

Достоверность данных подтверждена аудиторской фирмой «Адолатда Барака» договор № 8а от 2 января 2001 г.

Лицензия № 97 от 12 марта 1996 г.

Наблюдательный Совет ОАО «ПЎЛАТҚУРИЛМА»

АООТ «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД»

извещает о проведении общего собрания акционеров 11 июня 2001 года в 15.00. Место нахождения общества — г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. Уйгура, 103.

ПОВЕСТКА ДНЯ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ:

1. Утверждение регламента общего собрания.
2. Утверждение годового отчета и финансовых результатов хозяйственной деятельности за год.
3. Утверждение аудиторской проверки общества за 2000 год.
4. Распределение прибыли, оставшейся в распоряжении общества, утверждение размера дивидентов.

БАЛАНС АО «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД» на 01.01.2001 г.
(тыс. сум.)

№	Актив баланса		№	Пассив баланса	
1.	*Основные средства остаточная стоимость*	3102	1.	*Уставной капитал*	2166
2.	*Капитальное вложения*	3	2	*Нераспределенная прибыль*	13664
3.	*Долгострочные инвестиции*	146	3	*Целевые поступления и фонды*	1046
4.	*Производственные запасы*	2824	4	*Краткосрочные кредиты*	15281
5.	*Готовая продукция*	2179	5	*Кредиторы*	2647
6.	*Расходы будущих периодов*	220			
7.	*Денежные средства*	16335			
8.	*Дебиторы*	9995			
	Баланс	34804		*Баланс*	34804

Достоверность баланса подтверждена аудиторской фирмой «Аудит Ким, Лицензия Министерства финансов №239 от 06 декабря 1996 г., сертификат аудитора № 262 от 27.12.2000 г.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

Ярим тунда уйига ғирт маст ҳолда келган эр хотинига секин шивирлаб дебди:

— Хотин, жаҳлинг чиқмасин. Агар нима топганимни билсанг эди... эрталаб айтаман сенга.

Хотини сабри чидамай эрталабданоқ сўради:

— Айтақолинг, нима топиб олдингиз?

— Тасаввур қилгин-а, янги, зўр пивобар топдим...

Тошкент педагогика коллежи жамоаси коллеж раҳбари Озода Омоновна Эшонхўжаевага ўғли **Жаҳонгир ЖУМАБОЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ÖZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Qo'chqor NORQOBIL

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Özbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan röyxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Özbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA